



31  
AVGUST  
2020  
YIL



# YOSHLARNING

INNOVATION FAOLLIGINI OSHIRISH,  
MA'NAVİYATINI YUKSALTIRISH VA ILM-FAN  
SOHASIDAGI YUTUQLARI

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA  
KO'P TARMOQLI, ILMIY -ONLAYN

**KONFERENSIYA**



III SON



“YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISH, MA’NAVIYATINI YUKSALTIRISH VA ILM-FAN SOHASIDAGI YUTUQLARI” MAVZUSIDAGI 3-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYASI  
31-avgust 2020-yil



“ACADEMIA SCIENCE”

“UzACADEMIA”

SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL

ISSN (E) – 2181 – 1334

“YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISH,  
MA’NAVIYATINI YUKSALTIRISH VA ILM-FAN SOHASIDAGI  
YUTUQLARI” MAVZUSIDAGI 3-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-  
ONLAYN KONFERENSIYASI

**MATERIALLARI TO‘PLAMI**

31-AVGUST 2020-YIL

1-QISM

MATERIALS OF THE THIRD REPUBLICAN SCIENTIFIC-ONLINE  
CONFERENCE ON “INCREASING THE INNOVATIVE ACTIVITY OF THE  
YOUTH, RAISING THEIR MORALE AND ACHIEVEMENTS IN SCIENCE”

31 AUGUST 2020

PART-1

Google Scholar

IC<sup>W</sup>I WORLD of  
JOURNALS



[www.academiascience.uz](http://www.academiascience.uz)



## TAHRIRIYAT

### Editor in chief

Eshmatov Gayratjon Marupovich

### Executive Secretary

Ravshanjon Abdullayev

*He is a history teacher at Baghdad District  
8 Secondary School*

### Preparing for publishing

Khalikov Mukhriddin Tavakkaljon ugli  
*Fergana State University*

### Bosh muharrir

Eshmatov G‘ayratjon Ma‘rupovich

### Mas‘ul kotib

Ravshanjon Abdullayev

*Bag‘dod tumani 8-umumiy o‘rta ta‘lim  
maktabi tarix fani o‘qituvchisi*

### Nashrga tayyorlovchi

Holiqov Muhridin Tavakkaljon o‘g‘li  
*Farg‘ona davlat universiteti*

### Tahrir kengashi a‘zolari

#### Sultonali Mannopov

*O‘zbekiston xalq artisti, professor*

#### Eshmetov Izzat Do‘simbatovich

*O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi,  
texnika fanlari doktori, professor*

#### Matibaev Taspolat Baltabaevich

*Sotsiologiya fanlari doktori (DSc), Professor, Turon FA Akademik*

#### Abdullayev Muzrobjon Gulamovich

*Andijon davlat universiteti, professor*

#### Akramova Shahnoza Abrorovna

*Milliy gvardiya Xarbiy-texnika instituti Psixologiya va pedagogika kafedrasini  
mudiri, Pedagogika fanlari doktori, dotsent*

#### Arslanov Sharafutdin Sultanovich

*kimyo fanlari doktori, professor*

#### Tuychiyeva Inoyat Ibragimovna

*Pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori*

#### Oripov O‘rolboy Ahmedovich

*Navoiy davlat pedagogika instituti, PhD*

#### Fazliyeva Zebo Kamarbekovna

*O‘zbekiston davlat Xoreografiya Akademiyasi, dotsent*

#### Azimov Baxtiyor Ganievich

*O‘zbekiston davlat konservatoriyasi, Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent*

#### Xusanova Xayriniso Tayirovna

*O‘zMU, sotsiologiya fanlari nomzodi, dotsent*

#### Smaylova Gulmari Yuldashevna

*Dotsent*

#### Otaqulov Fozil Sobirovich

*FarDU bo‘lim boshlig‘i*

#### Popov Dmitriy Vladimirovich

*Andijon mashinasozlik instituti, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori  
(PhD)*

#### Xudoyberdiyev Elyor Xatamovich

*O‘zbekiston yoshlar ittifoqi Farg‘ona viloyat Kengashi raisining birinchi  
o‘rinbosari, “Shuhrat” medali sohibi*

#### Atadjanova Ma‘rifatxon Qurbonaliyevna

*Furqat tumani XTB boshlang‘ich ta‘lim metodisti*

#### Toshtemirov Otabek Abidovich

*Farg‘ona politexnika instituti*

<b>MATNNING LEKSIK - SEMANTIK TAHLILI</b>		
43.	Sindorov Lutfullla Kurulovich “ХИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ” АСАРИДА АНТОНИМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ	129
44.	Абдуллаева Роҳила Юсуфжон қизи НАРСА - ПРЕДМЕТ НОМЛАРИНИНГ ИНСОН ХАРАКТЕР ХУСУСИЯТЛАРИГА ИШОРА ҚИЛИШИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	134
45.	Shodmonova Mohinur Ulug’bek qizi NUTQ MADANIYATI MASALALARI	137
46.	Gayipova Gulnabat Muxammetovna BADIY ADABIYOT VA YOSH AVLOD TARBIYASI	139
47.	Bozorova Nargiza ABDULLA ORIPOV IJODIDA LINGVOKULTEREMALARNING O’ZIGA XOS O’RNI	141
48.	Dilnozaxon Zokirova Rahmonovna BADIY MATNLARDA PARALINGVISTIK VOSITALARNING ISHLATILISHI	143
49.	Eshtuxtartova Matluba Muhammadiyevna CHET TILI O’QITILISHIDA TA’LIM VA TARBIYANING O’RNI	145
50.	Jumaboyeva Nigora Jo’rayevna ONA TILI VA ADABIYOT FANLARINING O’QITISH USHLUBLARI	147
51.	Esanova Gulchehra Yuldashovna O’RTA MAKTABLARDA CHET TILI FANI BO’YICHA OLIB BORILADIGAN SINFDAN TASHQARI ISHLAR	149
52.	Qodirova Dilnozaxon Alisher qizi ONA TILI VA ADABIYOT DARSLARIDA O’QUVCHILAR OG’ZAKI NUTQINI O’SIRISH	151
53.	Mamajonova Baxtiyorxon TIL VA NOTIQLIK SAN’ATI	153
54.	Xoliqova Shahzodaxon ONA TILI DARSLARIDA VATANPARVARLIK TARBIYASI	155
55.	Tolibova Orzigul Idiboyevna ONA TILI DARSLARIDA LUG’AT USTIDA ISHLASH VA NUTQ O’SIRISH	157
56.	Quvondiqova Dilafuz QADRING BALAND BO’LSIN – ONA TILIM	159
57.	Islomjon Xolmatov LUG’AT USTIDA ISHLASHNING LINGVISTIK ASOSLARI VA VAZIFALARI	161
58.	Rametova Umida SO’Z BOYLIQI – HAYOTIY ZARURAT	163
59.	Boğdagu Mansurova SÖZLARIDA HAYOT TOMCHILAR	165
60.	Yodgorova Zulayho Sodiqovna ONA TILI DARSLARIDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH USULLARI	167
61.	Исакова Саодат ФОРМИРОВАНИЕ ДУХОВНЫХ ЦЕННОСТЕЙ У МОЛОДЕЖИ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА	169
62.	Mardiyeva Mohira Iragimovna INGLIZ TILI O’RGANISHDA ZAMONAVIY INNOVATSION TEXNOLOGIYADAN FOYDALANISHNING SAMARALI USULLARI	173
63.	Улашова Нилуфар Дадабоевна ПРИМЕНЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ	175
64.	Allamuratova Gulzira INGLIZ TILI DARSIGA QOYILADIGAN TALABLAR	177
65.	Sirazetdinov Amir Ildarovich ORIGINAL METHODS OF TEACHING OF CRITICAL THINKING SKILLS	180
66.	Taxirova Xurshida Rajabovna	182

## “ҲИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ” АСАРИДА АНТОНИМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

**Синдоров Лутфулла Куролович,  
Жиззах давлат педагогика институти  
таянч докторанти (PhD)  
lutfulla1803@mail.ru**

***Аннотация:** Мақолада «Ҳибатул-ҳақойиқ» асаридаги ўз қатлам ва олинма сўзлар ўртасидаги ҳамда лексемаларнинг мавзуй гуруҳлари билан боғлиқ бўлган антонимлик муносабат ёритилган.*

***Таянч сўз ва иборалар:** Аҳмад Югнакий, “Ҳибатул ҳақойиқ”, антонимия, аффиксал антонимлар, лексик антонимлар, лексик бирлик.*

Антонимлик сўзлардаги маъно зидлигини акс эттирадиган тушунча бўлгани учун у бир сўз орқали ёки кўп сўз ёрдамида бериладими бундан қатъи назар, барибир, антоним деб қаралиши керак<sup>6</sup>. Шу билан бирга, антоним эканлигини аниқлашда мантикий марказ принциpidан – фараз қилинган нукта ёки икки антоним сўз билдирган тушунчалар ўртасидаги оралик тушунчалардан фойдаланиш лозим<sup>7</sup>. Антонимлар бир сўз туркумига мансуб бўлади. Антонимия – ўзаро зид маъноли сўзларнинг семантик муносабати. Демак, антонимия ҳодисаси ҳам лексик парадигма ва синоним лексемалар гуруҳида, яъни синонимия ҳодисасида бўлгани каби лексемаларнинг маъно муносабати орқали юз беради. Шу хусусияти билан ўзаро зид маъноли лексемалардан тузилган жуфтликлар ҳам лексик системани ташкил этади. Иккита асосий белгиси билан бошқа типдаги лексик-семантик гуруҳлардан фарқланади: 1) икки компонентдан тузилади; 2) компонентлари ўзаро зидлик муносабатида бўлади<sup>8</sup>. Антонимлар, бир томондан, сўзларнинг асл маъносини очиб берса, иккинчидан, уларнинг кўп маънода ишлатилишини аниқлашга кўмаклашади. Зид маъноли лексемалар нутқда предмет, ҳодиса ва уларнинг белгиларини солиштириб кўришда, бир-бирига қарама-қарши қилиб кўрсатишда ҳамда фикрларимизни, ҳис-туйғуларимизни таъсирли, аниқ-равшан ифодалашда ёрдам беради<sup>9</sup>.

<sup>6</sup> Усмонов С. Антонимлар/Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. -Т.: 1958. №2. –Б. 35.

<sup>7</sup> Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1980. –Б. 9.

<sup>8</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. –Т.: ФАН, 2010. –Б. 131.

<sup>9</sup> Азизов А. Тилшуносликка кириш. -Т.: 1996. –Б. 74.



«Ҳибатул ҳақойиқ» асарида қайд этилган антонимларнинг аксарияти асосан туркий бўлиб, зид маъноли сўзлар қаторини вужудга келтирган. Ўзлашма сўзлар эса мазкур қаторларнинг кенгайишини таъминлаган. Олиб борган тадқиқотимиз асосида шу нарса ойдинлашдики, ёдгорликда истифода қилинган лексик бирликлар тизимида зид маънолар бир ҳамда икки ўзакли сўзлар ёрдамида ифодаланган бўлиб, туркий ва ўзлашма: арабча, форсий қатламлардан ташкил топган. Қуйида келтирилаётган антонимик жуфтликлар бунинг ёрқин далилидир.

### 1. Туркий сўзлар антонимияси:

**а) лексик антонимлар.** Лексема(семема)ларнинг ўзаро зид муносабатдаги маъноларни англатиши асосида гуруҳланиши лексик антонимия дейилади<sup>10</sup>. Қиссада қўлланилган лексик антонимлар асосан от, сифат, равиш ва феъл туркумларига оид сўзлардан иборат:

**1) нарса-предмет номини англатувчи сўзлар антонимияси:** bek «бек» – qul «кул»; bek «бек» – qaravaş «кул»; yaği «душман» – eş «ўртоқ»; bay «бой» – čığay «камбағал»; kün «кун» – tün «қоронғи»; tişi «аёл» – er «эркак»; ata «ота» – ana «она»; qiz «қиз» – oğul «ўғил»; ölük «ўлик» – tirig «тирик»; baş «бош» – azaq «оёқ»; ot «олов» – suw «сув»; alim «олувчи» – berim «берувчи, қарздор»; oñ «ўнг» – soñ «чап»; sevinč «севинч» – qazğu «қайғу»; ič «ичкари» – taş «ташқари»; sevinč «севинч» – saqinč «қайғу»; bayliq «бойлик» – čığayliq «камбағаллик»; asra «ост» – yuqar «уст»; ezgülik «яхшилик» – esizlik «ёмонлик»; yiglig «яхшилик» – esizlik «ёмонлик»; yig «касал, оғрик» – em «даво»;

**2) белги-хусусиятни ифодаловчи сўзлар антонимияси:** qarī «кекса, чол» – yaş «ёш»; qarī «кекса, чол» – yigit «ёш»; qoşa «кекса, чол» – yaş «ёш»; qoşa «кекса, чол» – yigit «ёш»; yaqin «яқин» – uzaq «узок»; yaqin «яқин» – yiraq «узок»; uluğ «улуғ, катта» – kiçik «кичик»; uluğ «улуғ, катта» – uşaq «кичик»; qiz «қиммат» – uşuz «арзон»; köni «рост» – yalğan «ёлғон»; kertiv «рост» – yalğan «ёлғон»; yumşaq «юмшоқ» – qatig «каттик»; keñ «кенг» – tar «тор»; ačig «аччик» – süçük «чучук»; kir «кир» – arig «тоза»; ezgü «яхши» – yavuz «ёмон»; qol «қўл» – azaq «оёқ»; qozī «қуйи» – ozuq «тепа»;

**3) ҳолатни билдирувчи сўзлар антонимияси:** bar «бор» – yoq «йўқ»; az «оз» – üküş «кўп»; az «оз» – telim «кўп»; az «оз» – qaç «кўп»; oñ «олдин» – keyin «кейин»; oñ «олдин» – ötrü «кейин»;

**4) ҳаракат ва фаолият билан боғлиқ тушунчаларни англатувчи лексемалар антонимияси:** bar- «бормоқ» – kel- «келмоқ»; art- «ортмоқ» – tüşür- «тушурмоқ»; qur- «қурмоқ» – arta- «бузмоқ»; kir- «кирмоқ» – čiq-

<sup>10</sup> Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 121.

«чикмоқ»; al- «олмоқ» – ber- «бермоқ»; saç- «сочмоқ» – ter- «термоқ»; tur- «турмоқ» – yat- «ётмоқ»; qor- «турмоқ» – yat- «ётмоқ»; tök- «тўкмоқ» – sal- «солмоқ»; aç- «очмоқ» – beklä- «ёпмоқ»; yaz- «ёймоқ» – yığ- «йиғмоқ»; ket- «кетмоқ» – kel- «келмоқ»; ket- «кетмоқ» – qal- «қолмоқ»; uç- «учмоқ» – qon- «қўнмоқ»;

**б) аффиксал антонимлар.** Ёдномада асос жихатидан бир хил, аммо ясовчи аффикслар ёрдамида ҳосил қилинган антоним лексемаларни ҳам учратиш мумкин. Бундай зид маъноли сўзлар сифат сўз туркумига хос бўлиб, - **liq/-lik//liğ/-lig; -siz/-siz//suz/-süz** қўшимчалари орқали ясалган. Ўзбек тилшунослигида от туркумидаги сўзлардан *-ли* ва *-сиз* аффикси воситасида ясалган сифатларнинг антоним ёки антоним эмаслиги масаласида турли қарашлар мавжуд. Б.Исабеков ва Ғ.Мусабоевлар мазкур қўшимчалар воситасида ҳосил қилинган сифатларнинг антоним бўла олмаслигини қайд этишган. “Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати” ни кириш қисмида эса улар бир ўзакдан антонимлар ясади деб кўрсатилган<sup>11</sup>. Профессор М. Миртожиевнинг ёзишича, ўзбек тилида бир ўзакдан антонимик аффикслар ёрдамида антонимлар ясалади. Қолаверса, Т. Муллаевнинг *ақлли* ва *ақлсиз* сўз жуфтлигини дифференциал-семантик метод асосида таҳлил қилиб, улар ўзаро антоним эканлигини исботлаганлиги маълум. Чунки *ақлли* сўзи семемаси “фикр фаолияти ўткир”, *ақлсиз* сўзи семемаси “фикрлаш фаолияти заиф” семаларини ўз ичига олади. Улар семемасининг биринчи ва иккинчи семаси умумий, учинчи семаси қарама-қарши. Семалар ифодасидаги бу қарама-қаршилиқ антонимликни кўрсатса, семемалар ўртасидаги умумийлик антонимлар семантик майдони бир эканлигини билдиради<sup>12</sup>. Ушбу мулоҳазаларга таянган ҳолда олиб борган тадқиқотимиз асосида дoston тилида куйидаги аффиксал антонимлар ишлатилганлиги аниқланди: *arīğliq* «тоза» – *arīğsiz* «ифлос»; *asīğliq* «фойдали» – *asīğsiz* «фойдасиз»; *bahāliq* «баҳоли» – *bahāsiz* «баҳосиз»; *vafāliq* «вафоли» – *vafāsiz* «вафосиз»; *biliglig* «билимли» – *biligsiz* «билимсиз, нодон»; *körklük* «чиройли» – *körksüz* «хунук»; *tatliğ* «мазали» – *tatliğsiz* «мазасиз, бемаза»; *yolluğ* «омадли» – *yolsuz* «бахтсиз»; *qutluğ* «бахтли» – *qutsuz* «бахтсиз».

## 2. Туркий ва арабча сўзлар антонимияси:

**лексик антонимлар:** *sevinç* «севинч» – *ğam* «қайғу»; *bek* «ёпиқ» – *āškāra* «очик»; *berk* «ёпиқ» – *āškāra* «очик»; *eş* «дўст» – *aduv* «душман»; *eşlik* «дўстлик» – *adāvat* «душманлик»; *ezgü* «яхши» – *bida'* «ёмон»; *yalğan* «ёлғон» – *haqiqat* «ҳақиқат»; *yalğan* «ёлғон» – *haq* «ҳақиқат»; *yaşru* «яширин» – *āškāra* «ошқоро»; *köni* «ҳақиқат» – *kuzaf* «ёлғон»; *kiçik* «кичик» – *majd* «улуғ, катта»;

<sup>11</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2010. –Б. 220.

<sup>12</sup> Ўша асар. –Б. 223-224.

emgāk «қийинчилик» – rāhat «роҳат»;indin «камтар» – takabbur «димоғдор»;baš «бошланиш» – āxir «охир»;baš «бошланиш» – tamām «охир»;ačiq«аччиқ» – šakar «ширин»; yig «касал» – šifā «шифо»; bay «бой» – ġarib «ғариб».

### 3. Туркий ва форсий сўзлар антонимияси:

**лексик антонимлар:** bulun «асир» – āzād «озод»; qarabaš «жория» –qul «кул»; yaġi «душман» –dost «дўст»; tün «тун» –roz «кундуз»; eš «дўст» –dušman «ғаним»; ezgü «яхши» –bad «ёмон»; qarī «кекса» –juvān «ёш»; yeg «яхши» –bad «ёмон»; tikān «тикон» –gul «гул»;uzun «нодон» –dānā «доно»; qul «кул» – šāh «шоҳ».

### 4. Арабча сўзлар антонимияси:

**лексик антонимлар:** ālim «олим, билимли киши» –jāhil «нодон, билимсиз»; halāl «ҳалол» –harām «ҳаром»; baxil «хасис» –jad «сахий»;xasis“хасис”–axiy “сахий”;xasis“хасис”–jad “сахий”;jāhil“нодон”–dānā “оқил”; tavāzi’ «камтар» – takabbur «димоғдор»;jāhil“нодон”–fāzil “фозил”.

### 5. Арабча ва форсий сўзлар антономияси:

**лексик антонимлар:** habib “дўст”–dušman“ёв”;jāhil“нодон”–dānā “оқил”;sāfih“нодон”–dānā “оқил”.

### 6. Форсий сўзлар антонимияси:

**лексик антонимлар:** dost «дўст» – dušman «душман».

Айтиш мумкинки, ўрганилаётган манбанинг бадий ва тасвирий хусусиятларини оширишда от, сифат, равиш ва феъл сўз туркумларига оид антонимик қаторлар муҳим ўрин тутган. Шунингдек, ёдгорликда лексик антонимлар билан бирга, келиб чиқишига кўра бошқа ўзақлардан тузилган ҳамда бир ўзақдан сифат ясовчи **-liq/-lik//liġ/-lig; -siz/-siz//-suz/-süz** қўшимчалари орқали ҳосил қилинган аффиксал антонимлар ҳам учрайди. Бу эса зид маъноли сўзларнинг лексик бирликлар мазмун-моҳиятини аниқлашдаги аҳамияти ва ушбу ҳодисанинг қадимийлигини кўрсатади. Шу тариқа, ёднома луғат таркибида лексик-семантик муносабатлар лексика тараққиётининг умумий қонуниятлари асосида амалга ошган.

Умуман олганда, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» достони тил хусусиятларини атрофлича ўрганиш кўп асрли тарихга эга бўлган қардош туркий тиллар лексикаси, айниқса, ўзбек адабий тилининг ривожланиши борасидаги назарий қарашларга ойдинлик киритади, ўзбек тили тарихий лексикологияси учун бой материал беради.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асари ҳақида: кириш, фонетика, морфология, матн, транскрипция, шарҳ, луғат. -Т.: Фан, 1972.- 298 б.



2. Усмонов С. Антонимлар //Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. -Т.: 1958. №2. –Б. 35.
3. Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1980. -281 б.
4. Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. –Т.: ФАН, 2010. -256 б.
5. Азизов А. Тилшуносликка кириш. -Т.: 1996.–Б. 74.
6. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -424 б.
7. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. -Т.: MUMTOZ SO`Z, 2010. -288 б.

31-avgust 2020-yil

*Ushbu konferensiya materiallari to‘plami O‘zbekiston Prezidentining 2020 yil 2 mart kungi «Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili»da amalga oshirishga oid Davlat dasturi to‘g‘risida»gi Farmonida ko‘zda tutilgan vazifalarni ijrosini ta’minlash maqsadida “Academia Science” ilmiy tadqiqotlar markazining [www.acemiascience.uz](http://www.acemiascience.uz) ilmiy jurnallar portali va “UzACADEMIA” ilmiy-uslubiy jurnali tahririyati tomonidan nashrga tayyorlandi va chop etildi.*

**Konferensiyaning maqsadi:**

Professor-o‘qituvchilar, talaba-yoshlarni jamiyatda olib borilayotgan ijtimoiy-siyosiy jarayonlardagi rolini kuchaytirish, innovatsion g‘oyalarni amalga oshirish va takomillashtirish, shuningdek yoshlarning intellektual salohiyatini rivojlantirish va rag‘batlantirish kabi ustuvor vazifalarini amalga oshirish hamda mazkur yo‘nalishda ilmiy tadqiqot ishlarini faollashtirish, yoshlarimizning ma’naviy immunitetini kuchaytirish, ularning bo‘sh vaqtini mazmunli o‘tkazishda 5 ta muhim tashabbus muhim ahamiyat kasb etadi.

**Eslatma!** Konferensiya materiallari to‘plamiga kiritilgan maqolalardagi raqamlar, ma’lumotlar haqqoniyligiga va keltirilgan iqtiboslar to‘g‘riligiga mualliflar shaxsan javobgardirlar.

**Bosh muharrir**

Eshmatov G‘ayratjon Ma’rupovich

**Mas’ul kotib**

Ravshanjon Abdullayev  
Bag‘dod tumani 8-umumiy o‘rta ta’lim maktabi tarix fani o‘qituvchisi

**Nashrga tayyorlovchi**

Holiqov Muhridin Tavakkaljon o‘g‘li  
Farg‘ona davlat universiteti

“Yoshlarning innovatsion faolligini oshirish, ma’naviyatini yuksaltirish va ilm-fan sohasidagi yutuqlari” mavzusidagi 3-sonli Respublika ilmiy-onlayn konferensiyasi materiallari to‘plami, 31-avgust, 2020-yil. – Farg‘ona shahri: Academiascience, 2020. – 277 b.